23 МАР. 1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 68 (6. 857) 1989 йил 22 март, чоршанба Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

⊙ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг эълонида оқибатларини тугатишга бағишланиб 20 март куни Ереванда бўлиб ўтган мажлисида транспорт воситаларига хизмат кўрсатишнинг аҳволи кун тартибидаги масалалардан бири бўлди. Комиссия мажлисида, шунингдек, Спитак шаҳрида уй-жой ва соцнал-маданий-маиший объектлар қурилишининг аҳволи таҳлил этилди. Мажлис ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

⊙ «1989—1990 йиллар мобайнида СССР Қуролли Кучларини қисқартириш ва мудофаа ҳаражатларини камайтириш тўғрисида» СССР Олий Совети Президиумининг Фармони берилган.

⊙ «Буйруқбозликсиз раҳбарлик қилайлик» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Мақолада партия ташкилотларининг асосий вазифаси янги аграр снёсатнинг муваффақиятини таъминлашдан иборат эканлиги ҳақида фикр юритилади.

⊙ «Правда» газетасининг иккинчи саҳифасидаги «Базмни ҳис-туйғулар бошқарганида» сарлавҳали мақолада Эстонияда содир бўлган воқеалардан олинган сабоқлар ҳақида газета махсус мухбирлари А. Петрушов ва В. Широков фикр юритишади.

⊙ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар босилган.

Техника шарофати

⊙ Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг авиация заводида эски ускуналар янгиланмоқда. Корхонанинг металл банкалар тайёрлаш цехига Германия Демократик Республикаси мутахассислари тайёрлаган металл банкалар ясаш комплекс линияси ўрнатилганидан кўп бўлганн йўқ. Қисқа фурсатда банкалар танламига бархам берилди.

⊙ Кувончли томони шундаки, бу янги линия 12 кишини кўл меҳнатидан озод қилиб, ишчи кучи зарур участкаларга юборилди. Йилига кунига 17—18 минг металл банка тайёрланмоқда.

Ҳамкорлик самараси

⊙ Тошкент «Средазнефтегеотест» бирлашмасининг мутахассисларининг Москвалик конструкторлар билан ҳамкорликда олиб борилган изланишлари ўз самарасини берди. Энди янги хил буғ қозонини ишлаб чиқариш учун тақчил металлдан ҳам сарфланадиган. Янги система асосида яратилган қозон махсус қурилма — буғ генераторн билан таъминланган бўлиб, бу янгилик арзон металл тежалади. Электр энергиясн сарфи анча камаяди.

⊙ Сергели районидаги «Октябрь 25 йиллиги» тикувчилик фабрикасн коллективи ўн иккинчи беш йиллигининг тўртинчи йилида кўтаринки руҳ билан ишлашмоқда. Корхонада ўзаро социалистик мусобақа ташкил этилганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Раъно Азимова ана шундай илғор черкалардан бири. Р. Азимованинг фабрикага келганига 25 йилдан ошиб кетди. Ишга келган илк кунларидаёқ тикувчиликнинг сир-асрорларини пухта эгаллаб олди. Устозлари ўргатишларини кўлоқ солиб ишлади.

Р. Азимова бугунги кунда ёшларнинг меҳрибон устозларидан, коллективнинг фахрн. Шогирдлари ҳам ўзи каби меҳнатқаш, жонкуяр. Шогирдларидан Катерина Иванова, Дилбар Раҳимова, Дилором Турдиқулова сингари ишлаб чиқарган илғорлари устозларидан ҳам ўзиб меҳнат кўрсатмоқдалар. Улар ўн иккинчи беш йиллигининг учинчи йили топшириқларини ҳам муддатидан илгари ҳал этганлар.

Халқимиз «Меҳнат бахт келтирар» деб бежиз айтмаган. Ҳақиқатан ҳам, Раъно Азимовага ҳамма ҳавас билан қарайди, чунки у ишқибозлик меҳнат эвазига ана шундай бахтга муяссар бўлди.

Н. ЭШМУРОДОВА.

Тўрт ой илгари

⊙ «Ташгорстрой»га қарашли 159-трестнинг 22-қурилиш бошқармасида профессор Жаббор Муҳаммадиевнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. У Қорақамиш — 2/1 массивида барпо этилаётган мактаб биноларига ўзининг ҳиссасини қўшяпти. Мазкур объектда К. Зантов бошлиқ бригада кўтаринки ишлаб, социалистик мусобақада пешқадамликка эришяпти.

— Биз ҳар бир имкониятдан тўла фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди биз билан бўлган суҳбатда Ж. Муҳаммадиев. — Бригадамиз ойлик топшириқини муваффақиятли бажариб, белгиланган ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга муваффақ бўляпти. Коллективимиз мактаб биноси қурилишини апрель ойида адо этиш ҳаракатида. Ваъдаланган план бўйича бу объектга топшириш августга ойига тўғрилланган эди.

Бригаданинг пешқадамлари С. Баҳодиров, Х. Холмуродов, Ғ. Йўлдошев, Х. Тўхтуров, Ш. Металов, С. Зоиров, К. Тахтаев сингари тажрибали ишчиларнинг кунлик топшириқларини 110—120 процентга ошириб бажаришаётганини алоҳида таъкидлашга ҳожат йўқ. Улар барчага намуна кўрсатмоқдалар.

Х. УЛАШОВ, ишчи.

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

Ечимини кутаётган вазифалар

— Программамнинг асосий моҳияти — ҳуқуқни ҳимоя қилиш, ҳақиқатни қарор топтириш. Мен юрист эмасман. Лекин оддий бир гражданин сифатида бу масалалар ҳамиша мени қизиқтириб келган.

Менимча, СССР халқ депутатлигига сайланган ҳар бир киши тор доирада эмас, балки кенг доирада, умумий давлат миқёсида фикр юритиши, шу нуқтаи назардан масалага ёндошиши керак. Баъзилар тор доирада фикр юритишади, пенсияни ошириш ёки шунга ўхшаш масалаларни ўртага қўйишяпти. Агар мен район ёки шаҳар Совети депутати бўлсам, бундай талаблар ўринли бўлур эди. Мен бу каби тор доирада фикрловчиларга қаршиман. Ҳозирги қайта қуриш шароитида қонунчиликда ҳам, бошқа соҳаларда ҳам сира ортга қайтмаслик лозим. Партиянинг ички ва ташқи сиёсатида ҳам бунга амал қилиш керак. Буларни эса барча совет халқи бирдек қабул қилишлари керак.

Яна бир муҳим гап, Олий Советда келажакда референдумлар тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш керак. Унда бутун жамиятнинг умумий қонунлари ўз аксини топсин. Совет давлатининг 70 йиллик тарихида юз берган хатоликлар мана шундай ошкора ва демократик қонуннинг йўқлигидан юз берди деб ўйлайман.

Сайлов тўғридан-тўғри олиб борилиши керак. Номзоди рўйхатга олингунча бўлган даврда ҳам депутат ўз номзодини, программасини тарғиб қила олсин. Кейин депутат тақдирини жамоат ташкилотларининг пленумидан 100 киши ҳал қилишига қаршиман. Чунки бундай депутат тақдирини уни сайловчилар эмас, балки сайловни ўтказганлар ҳал қилиб қўяди.

Иттифоқимиздаги экологик масалалар, жумладан, Ўзбекистондаги табиат муҳофазаси, Орол, миллий масалалар, тил, интернационал тарбия... Хуллас, бу масалаларга енгил-елпи қараш керак эмас. Масалан, Орол муаммосини олайлик: бу муаммони чала-ярим ҳал қилиб бўлмайди, уни охиригача ечиш лозим. Денгизни қутқариш учун қанча сув керак бўлса, шунча миқдорда пахта майдонларини камайтириш керак. Оролни қутқариб қолсак, кейин халқ олдида йўл қўйилган хатоларнинг ҳаммасини қайтадан тузатиш, тўғри йўлдан бориш мумкин. Чунки, энг тўғри йўл шу деб ўйлайман.

⊙ 599-Тошкент — Куйбишев территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтининг етакчи илмий ходими Темур Собирович Юнусов.

1949 йилда туғилган. 1966 йили Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг химия факультетига ўқишга кирди. Университетни тугаллагандан сўнг Тошкентга қайтди. 1971 йилдан ҳозирги кунгача Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари химияси институтида ишлаб лаборантликдан етакчи илмий ходимлик даражасигача кўтарилди.

1975 йили кандидатлик диссертациясини, 1985 йили эса докторлик диссертациясини ёқлади.

1977 йилдан КПСС аъзоси, институт комсомол комитети секретарининг ўринбосари, пропагандист, ёш олимлар советининг аъзоси.

Фанда икки хил — узоқ муддатли ва ҳозирги кунда тез орада ечиш зарур бўлган долзарб муаммолар бор. Биринчисини кўнгилдагидек ҳал этиш учун, асосан, кадрлар тайёрлаш масаласига, фанни зарурий замонавий асбоблар билан таъминлашга катта эътибор бериш керак. Иккинчисига келсак, мени кадрлар масаласидаги сиёсат қониқтирмаяпти. Уч йилдан буён қайта қуриш бўляпти, лекин фанда демократик принциплар амалга оширилмаяпти, илмда кадрларни жой-жойига қўйиш кенг миқёсда конкурс асосида олиб борилмаяпти. Масалан, ҳозир лаборатория мудирлари аттестация асосида 3—5 йилда тайинланади. Менинг фикримча бу аттестация усули эскирди. Лаборатория мудирларини сайлашда ҳар 4—5 йилда конкурс ўтказиб турилса, унда бу лавозимга даъвогарлар илмий доклад ҳамда илмий баҳс билан қатнашсин. Шунда ютиб чиққани сайлансин.

Мени кўпроқ ўйлантирадиган масалалардан бири интернационал тарбия. Чунки, сўнгги пайтларда бу хусусда турли фикрлар пайдо бўлмоқда. Буларни ечиш учун бу масалаларга комплекс ёндошув керак. Шундагина уларни оқилона ҳал этиш мумкин.

Мен файласуф ҳам, тарихчи ҳам эмасман, лекин бир гражданин сифатида бу масалалар хусусида ўз фикрим бор. Республикамизда бу масалага путур етишига сабаб тилга муносабатнинг бир ёқламалигида деб ўйлайман. Бизда икки тилли мактаблар мавжуд. Уларнинг ҳар бирида миллий тил жуда ёмон ўқитилади. Рус мактабларида ўзбек тили, ўзбек мактабларида эса рус тили. Интернационал тарбияни кўтариш учун икки тилни ҳам бирдек билиш керак! Шунда бу хусусда муаммолар бўлмайди.

М. СУЛАЙМОНОВ.

Дилдан суҳбат

СССР халқ депутатлари сайлови куни тобора яқинлашиб келяпти. Шу боисдан ҳам барча сайлов участкаларида депутатликка номзодлар билан учрашувлар, қизиқарли лекциялар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказилаяпти.

Бу муҳим сиёсий кампанияга пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги 134-мактаб биносига жойлашган 132/183-сайлов участкасида ҳам қизғин тайёргарлик олиб борилаяпти. Участкани «Ташгорстрой»га қарашли 3-уйсозлик комбинати коллективи оталиққа олган.

Участканинг ахборот маркази чинакам тарғибот-ташвиқот марказига айланган. Бу ерда сайловга оид турли хил стендлар, адабиётлар, матбуот нашрлари, газета ва журналлар тахламлари бор.

Марказ коллективи 19 кишидан иборат. Улар Ўрол Тансиқбоев номли массивдаги 21 та турар жой ҳамда 2 та ётоқхона биносида истиқомат қилувчи сайловчилар ўртасида сайловолди тушунтириш ишларини олиб боришаяпти.

Бу борада педагоглардан Мансур Камолов, Клара Абдуллаева, Рўзигул Зуфарова, Раҳмат Исҳоқов, Зулфия Исҳоқова, 3-уйсозлик комбинатидан Татьяна Семенова, Галина Смирнова, Лилия Ханларнинг номларини алоҳида тилга олиб ўтиш ўринлидир. Улар ўзларига бириктирилган хонадонларда тез-тез бўлиб, сайловчиларни қизиқтирган масалалар юзасидан суҳбатлар уюштиришмоқда.

— Коллективимиз бу муҳим сиёсий кампанияни кўнгилдагидек ўтказиш учун сайловчилар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришаяпти, — дейди биз билан суҳбатда сайлов комиссияси аъзоси, мазкур мактаб директори Эргаш Мағдиев. — Участкамиз территориясида 2400 га яқин сайловчи истиқомат қилади, шундан 6 киши бу йил биринчи марта овоз берувчи ёш сайловчилардир.

Чиндан ҳам, участка коллективи шу кунларда бўлажак сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш учун омма ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ҳар қачонгидан қизғин авж олдириб юборишган.

Э. ТЎЛАГАНОВ.



Қизиқарли тадбирлар

598-Тошкент—Киров территориал сайлов округи территориясида тўртта агитация пропаганда марказн жойлашган. Булар 1-болалар мусика мактаби, алоқа электротехника институти, 271-ўрта мактаб ҳамда ҳисоблаш кредит техникуми қошидаги марказлардир.

Яқинда биз ҳисоблаш-кредит техникуми биносида жойлашган информация—пропаганда марказида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган сайловолди ишлари билан танишдик. Марказ кенг ва ёруғ хонага жойлашган. Деворларда сайловга оид плакатлар, навбатчилар рўйхати, кунделик иш план ва турли графиклар осиб қўйилган. Хонага кино аппарати ўрнатилган бўлиб ундан номзодлар билан сайловолди учрашувларн, сайлов округининг иш фаолияти ва бошқа ҳужжатли хроникал фильмлар вақти-вақти билан намойиш қилиб турилади.

Марказга турли касб кишилари тез-тез ташриф буюриб туришади. Улар орасида олимлардан тортиб оддий касб эгаларигача бор. Келиб-кетувчиларнинг кўпчилигини бир масала қизиқтиради. У ҳам бўлса — янгича сайловни ўтказиш тартиби. Бу саволга навбатчи мутахассислар батафсил жавоб беришади.

Марказ иш планидан қатор тадбирлар ўрин олган. Булар ёш сайловчилар билан учрашув ўтказиш, ҳуқуқий темаларда консультациялар ўтказиш, номзодлар билан учрашувлар уюштириш каби тадбирлардан иборат.

СУРАТДА: пропагандистлар Х. Нурматов ва Н. Шабановни кўриб турибсиз.

Р. Шарипов фотоси.

Номзод билан учрашув

Куни-кеча Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Н. А. Семашко номидаги курортология ва илмий-тадқиқот институтида СССР халқ депутатлигига номзод Хайрулла Ҳусанович Рўзиев билан сайловчилар учрашуви бўлди.

Учрашувда номзоднинг ишончли вакиллари сўзлашди. Сўнгра Х. Х. Рўзиев йиғилганларни ўз программаси билан таништирди, сайловчиларнинг саволларига жавоб берди.

Институт клиникаси бош врачи, медицина фанлари кандидати Дилфуза Ғуломова номзодга медицина фанини ривожлантириш ва соцнал масалаларни ҳал этиш юзасидан наказлар берди.

М. СУЛАЙМОНОВ.

Ахборот маркази

Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги 145-мактаб биноси шу кунларда ҳар доимгидан кўркамроқ, салобатлироқ кўринади. Бу ерда 52/1-сайлов участкасининг ахборот маркази ташкил этилган. Марказ ҳар куни сайловчилар билан гавжум. Янги сайловлар илгаригиларидан тубдан фарқ қилиши сабабли кишилар бу ерга турли саволларга жавоб олиш учун тез-тез ташриф буюрмоқдалар. Эрталабки соат тўққизданоқ информация марказида сайлов комиссияси аъзоларининг навбатчилиги бошланяпти. «Узбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкентвино» заводи ҳамда Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси ходимларидан ташкил топган бу комиссия аъзолари ҳозирги сайлов системасидаги ўзгаришлар, халқ депутатлигига номзодларга ҳамда депутатларга қўйиладиган талаблар, сайловни ўтказишнинг янги қонун-қоидалари ҳақида муфассал, тўлиқ маълумотлар беришади. Мана бугун ҳам Светлана Осадчая, Баҳодир Лутфуллаев, Зумрад Раҳмоновалар навбатчилиги қизиқарли суҳбатлар, қизғин баҳслар билан ўтмоқда.

Марказда сайловлар ҳақида тўлиқ маълумот берадиган турли стендлар, савол-жавоб бурчаги ва плакатлар мавжуд. Бундан ташқари информация маркази жойлашган хона ҳар хил адабиётлар билан тўлиқ жиҳозланган. Сайловолди ишлари авж олган бу марказга яқинда Равшан Ўсаров деган ўспирин ҳаяжон билан кириб келди. Эндигина ўн саккиз ёшга тўлган бу йигит ҳаётидаги энг биринчи сайловчилик гувоҳномасини қабул қилиш олдидан ўз вазифа ва бурчлари билан чуқурроқ танишиш мақсадида ташриф буюрган эди. Марказ навбатчиси унга йўл-йўриқлар кўрсатиб, сайловчининг масъулиятини батафсил гапириб берди.

Ҳа, бугунги кунда халқнинг мухтор вакилини сайлаш кишидан ана шундай катта масъулият талаб этади. Бир нечта номзодлар ичидан депутатликка энг лойиқ, ўз номзоди қўйилган округнинг барча муаммоларидан хабардор ва ҳар қандай қийин вазифаларни бажара олишга ўзида ишонч сезган кишини танлаш ва унга ўз ҳал қилувчи овозини бериш осон вазифа эмас. Сайловчиларга буни етказишда информация маркази алоҳида роль ўйнаши шубҳасиз. Эндиликда бу ерга ташриф буюраётган сайловчиларнинг билдираётган фикрлари ана шундан далолат бериб турибди.

А. САЪДУЛЛАЕВ.

Давлат қабули: талаб ва ижро

СИФАТНИ БИЛМАГАН ҲАМЁНИДАН АЙРИЛАР

XIX Бутуниттифоқ ва XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияларида қайта қуриш, янгиланиш аввало ишда сифат ўзгаришлари бўлишини тақозо этишн таъкидлаб ўтилган эди. Шаҳар саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига назар солганимизда бу борада яхши интилишлар борлигини кўрамиз. Масалан, «Н» («Янгилик») индекси билан, сифати анча яхшиланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш планн енгил саноат бўйича муваффақиятли адо этиляпти. Планга қўшимча суратда ана шундай маҳсулотлар тайёрланяпти. Бу борадаги ўсиш суръати кишини қувонтиради.

Агар ўтган йилга таққосласак, кенг истеъмол буюмлари умумий ҳажмида «Янгилик» индекси билан тайёрланган маҳсулотлар салмоғи 2,3 процент ошганини кўрамиз. Ёки унинг жами салмоғи 12,6 процентга етди. Аммо маҳсулот сифатини яхшилашга астойдил интилмаётган корхоналар ҳам бор. Масалан, «Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмасида «Янгилик» индекси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғи бор-йўғи 6 процентни ташкил этади, холос. «Шарқ» кўн-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида 2,5 процентни ташкил қилади. Кўн-мўйна заводи билан 1-пойабзал фабрикалари раҳбарларига гўё сифатни яхшилаш ҳақидаги талаблар ҳали умуман етиб бормаган кўринади. Чунки уларда «Янгилик» индексли маҳсулотлар бир процентдан ҳам камроқни ташкил қилади!

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида айниқса иқтисодий тафаккурни қайта қуриш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳар бир корхонанинг техник ва иқтисодий имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш лозим. Кадрларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантиришда энг аввало корхоналарнинг партия ташкилотлари жон куйдириши керак. Яқин-яқингача ҳам баъзи корхоналарнинг иқтисодий хизмат бўлимлари, инженер-техник ходимлари, ўрта звено раҳбарлари техник ва иқтисодий масалаларда ҳамон эскича позицияда турганликлари аён бўлган эди. Меҳнатни ташкил этиш, хўжалик ҳисоби методини, яъни замонавий иқтисодий билимни пухта эгаллаб олмаган жойларда ишнинг олға босиши қийин кечади. Лак-бўёқ заводи, «Средазкабель» ва Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаларида бошидаёқ иқтисодий билимни эгаллашга етарлича эътиборсизлик қилинганн панд берди.

Энди масаланинг яна бир томонига эътибор берайлик. Илгариларн жойларда брак—чиппакка чиққан маҳсулотлар тайёрлашга гўё одатдаги бир ҳолдек қараш фактлари мавжуд эди. Аввал бунинг учун ҳеч ким ўз чўнтагидан жарима тўламасди, ҳаммаси давлат «ҳамёни»дан эди. Энди аҳвол ўзгача: брак маҳсулот учун корхона ўз «чўнтагидан» жарақ-жарақ тўлайди! Республика мебель саноати министрлигига қарашли корхоналар бу борада анча «рекорд» қўйишяпти, десак муболаға бўлмас. Ўтган йили уларнинг «хирмони» баракали бўлгани сир эмас-да: барча мебель корхоналарининг ярми ўз мебелларига 93 минг сўмлик рекламация олишибди.

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун мисол келтирамиз. Биргина «Спецмебель» заводининг 71,6 минг сўмлик маҳсулоти брак қилинганини қандай изоҳлаш мумкин? Бундай «шараф»га «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси (12,3 минг сўмлик) ва Сергелидаги мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси (10 минг сўмлик) муяссар бўлишган. Бу бракларни тузатиш учун бўлган оворагарчиликларни айтмайсизми?

Бракларни тузатиб эпақага келтириш учун нақд 4,7 минг сўм сарфланибди. Бу кимнинг фойдасию, кимнинг зарари!

Республика стандартлар бошқармаси ва бошқа назорат органлари браклар оқимини тўхтатиш учун ҳаракат қилишяпти. Уларнинг иши фақат брakни аниқлашгина бўлиб қолмай, балки уни келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш, яна ҳам тўғрироғи, бракка иш охирида эмас, балки иш лиши бракка анча чек қўйиш имконини беряпти.

Аммо ҳали бу борада қувонишга вақт эрта. Чунки бу борада ўтган йилдан бизга «оғир мерос» қолган: Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатида бирон-бир ўзгариш сезилмади: жами корхоналарнинг 55,6 процентн савдо ва бошқа ташкилотлардан таъна эшитди. Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 234,7 минг сўмлик, тўқимачилик комбинатининг 305,9 минг сўмлик, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 310,5 минг сўмлик маҳсулотлари чиппакка чиқарилди.

Маҳсулот навини тобора яхшилаб бориш, паст навли маҳсулотлар тайёрлашга иложи борича йўл қўймаслик шу кунниинг талабидир. Бироқ 141 минг погон метрдан зиёд ип-газлама, 5 минг дона трикотаж буюмлари, яна анчагина чинни, пойабзал сорти пасайтирилди. Бу ҳали ҳолва экан, 250 минг жуфт пойабзал корхоналарга қайтариб юборилди! Бу 1987 йилга нисбатан таққосланганимизда бир ярим баравар кўпдир. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Сифатга талаб айниқса янгича хўжалик юритиш шароитида асло бўшаштирилмаслиги зарур. Бу гап машинасозлик корхоналарига ҳам тўла тааллуқлидир. «Таштекстильмаш», экскаватор, «Подъёмник», СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари корхоналарнинг коллективлари ўз маҳсулотлари сифатига эътироз билдирилганидан ҳижолатдалар.

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида маҳсулот сифати ҳал қилувчи роль ўйнашини ҳар бир киши яхши билади. Илгари ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар, дейишарди, энди бунинг ёнига сифатини билмаган боридан ҳам айрилар, деб бемалол айтиш мумкин. Кўпгина корхоналарда маҳсулотнинг давлат қабули жорий этилгани, маҳсулот ва буюмлар фақат харидгир бўлсагина буюртмачиларнинг ундан кўнгиллари тўлиши мумкинлиги, сифат группаларининг фаолияти ва қолаверса, корхона марказн учун кураш ҳамда ишчи виждони каби ҳаётбахш омиллар энди брак маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қатъий ғов қўяди, деб умид қиламиз.

Ҳ. ИКРОМОВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ 24 СОАТ

● Европа иқтисодий кенгашига аъзо бўлган давлатлар ўз элчиларини яна Теҳронга жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Элчилар шу йил февралда «Рушди иши» муносабати билан маслаҳатлашиш учун ўз мамлакатларига чақириб олинган эдилар.

● Венада Социалистик Интернационал раҳбарларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Бу ерга жаҳондаги 40 дан ортиқ социалистик ва социал-демократик партияларнинг делегациялари тўпландилар. Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истиқболлари бу учрашув кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бири бўлди.

● Якшанба куни Сальвадорда ўтказилган президент сайловида ўта ўнг миллатчи республика иттифоқи партиясининг номзоди Альфредо Кристиани ғалаба қозонди. Унга сайловда қатнашганларнинг 54 процентига яқини овоз бердилар.

● Ҳиндистон матбуоти яқин вақтда Индира Гандига суиқасд иши бўйича яна бир неча киши судга берилиши эҳтимоли борлигини маълум қилди. Газеталарнинг ёзишича, жиноий жавобгарликка яна 4—5 киши тортилиши кутилмоқда. Улардан иккитаси ҳозир қамоққа олинган.

● Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг ташқи ишлар комиссияси АҚШ сенати Тибет масаласи хусусида резолюция қабул қилганлиги муносабати билан ниҳоятда дарғазаб бўлганлигини ва қаттиқ норозилигини изҳор этди. Сенат резолюциясида Тибет автоном районининг тарихи ва бугунги куни бузиб кўрсатилганлиги алоҳида таъкидланади.

● Афғонистоннинг Жалолобод шаҳри атрофидаги вазият яна кескинлашиб кетди. Шаҳарга минглаб ракета, мина ва снарядлар ёғдирилиши натижасида тинч аҳолидан 10 киши, шу жумладан 4 та бола ҳалок бўлди.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ 24 СОАТ

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

ЭЛДА АЗИЗ

«Меҳнат қилган — элда азиз», — дейди доно халқимиз. Кимки ўз касбини севиб ардоқласа, ҳаёт синовларини мардонавор енгиб ўтса, коллективнинг обрў-эътиборини қозонади, эл назарига тушади. Ана шундай меҳри дарё кишиларнинг бири — қурувчи, коммунист Мурод Юсуповдир. Ёшлигидаёқ кечки мактабга қатнаган ўспиринниг ташвиши кўп эди. Бўш вақтларида у онладагиларга кўмаклашарди. У пайтларда шаҳримизда булутқучар бинолар деярли йўқ, атиги тўрт-беш қаватлилари мавжуд эди, холос. У ана шу уйлар олдидан ўтаётганида янги уйларга ҳавас билан қараб қўяр, хаёлидан «қанийди, шаҳримизда бундан ҳам баландроқ бинолар кўпайса» деган фикрлар кечарди.

Йиллар шамолдек тез ўтиб кетди. Ўрта мактабни тугатиш арафасида Муроднинг дўстлари олий ўқув даргоҳлари сари интилишди. Аммо қурувчиликка бўлган иштиёқи унга тинчлик бермади. Орзуга айб йўқ, дейишади, қариялар. Мурод орзунга етишгунча ҳаёт синовларида тобланди. Аввал армия сафида бўлди. Сўнг шаҳримиздаги саноат корхоналарининг бирида ишлади. 1968 йили унга омад кулиб боқди. «Строймеханизация» трестининг 3-механизация бошқармасидаги кранчилар тайёрлайдиган курсда ўқиб, ҳайдовчи—кранчи ихтисосига эга бўлди. Ана шу тарзда бинокорлик фаолияти бошланган Мурод Юсупов шаҳримиз ҳусни яна-да кўркам бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти. Жумладан, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи қурилишида, давлат цирки биносининг қад кўтаришида, қишлоқ хўжалиги институтининг ўқув корпусларини тиклашда бевосита иштирок этди. Ҳозирги кунда у шаҳримизнинг Акмал Икромов районидаги 116-мактаб билан янги илм даргоҳини бир-бирига туташтирувчи, темир-бетондан тикланаётган бир қаватли ўтиш йўли қурилишида ишламоқда. Биз бу объектга борганимизда коммунист Мурод Юсупов қурилиш материалларини олиб келган машиналардаги юкни туширишга бошқа ҳеч ким ёрдам бермаётганини кўрдик. Сабабини сўраганимизда, у бундай деди:

— Ҳозирги кунда ҳар бир минут қимматли. Ишни тезроқ тугатиш керак. Шунинг учун ҳам ёрдамга келган ҳар бир кишидан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳақиқатан ҳам Мурод Юсупов ишни ташкил этишда, ҳар бир ишчининг меҳнатини тўғри ташкил қилишда ўзига хос усулларни қўллайди. Ана шундай усуллардан бири — ишни бригада усулида ташкил этишдир. Бу усул ишни тезлаштиришга, ишчиларнинг меҳнатини енгиллаштиришга ёрдам беради. Ишлаб чиқаришдаги ана шундай ижобий ўзгаришлар Мурод Юсуповнинг ишончини оқлади. Унинг бригадаси ҳозирги кунда 18,4 миллионлик ишни бажаряпти. Бригада аъзолари ўртасида ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам ҳукм сурмоқда. Бригада ишларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун ҳам бригада ҳар ойда ўртача 600 сўм ойлик олади. Бригада аъзоларининг ҳар бири ўртача 400 сўм ойлик олади. Бригада аъзоларининг ҳар бири Низомий номидаги педагогика институтидаги «Авангард» ёшлар маркази ётоқхоналарида ёшларнинг бўш вақтларини ташкил этишда мазкур марказнинг роли катта бўлмоқда. Вақти-вақти билан қизиқарли кечалар ва учрашувлар ўтказиб борилаяпти. Бундан ташқари марказнинг ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ёзги таътилда саноат корхоналари ва ташкилотларига қарашли лагерларда ишлаш учун тарбиячи студентларни етказиб бориш юзасидан мазкур марказ буюртма қабул қилди. Ўртада шерикларнинг панд бериб қўймаслиги учун шартнома ҳам ишлаб чиқилди. Яқин кунларда «Ёш десантчи» марказини очишни ҳам режалаштириб қўйдик. Афғонистонда хизмат бурчини ўтаган интернационалчи-жангчилар янги марказнинг ташкилотчилари бўлишади. Уларнинг вазифаси асосан ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан чиниқишларига ёрдам беришдан иборат.

Д. САИДОВ.

Тошкент комсомоли

Ёшлар—ташаббускор

Фрунзе райони ҳам аҳолисининг сони, ҳам майдони жиҳатидан шаҳримизда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унда шу кунларда йигирмадан зиёд саноат ва ишлаб чиқариш корхонаси, 40 та илмий муассаса, 3 та олий ўқув юрти, 6 та ўрта ҳунар-техника маскани, ўн бешдан ортиқ мактаб мавжуд. Бу ташкилот ва муассасаларда 198 та комсомол ташкилоти иш олиб бормоқда. 29 минг нафар комсомол йигит-қизларни ўзига бирлаштирган район комсомол комитети учун табиийки бу катта куч. Ёшлар билан ишлаш, уларни тарбиялашда ўз ролини оширишга район комсомол комитети кийинги вақтда жиддий эътибор бермоқда.

— Шу кунларда комсомол ташкилотларининг ёшлар билан ишлашдаги ролини ошириш ҳаётий заруратга айланганлигининг боиси бор—дейди Фрунзе район комсомол комитетининг секретари Раҳим Азимович Назиров. — Бу ишни бўшаштириб юборилганлиги оқибатида турмушимизда бошқа кўплаб муаммолар кўзга ташланиб қолди. Бу масалани ҳал этиш ўз-ўзидан бўлмайди албатта. Аввало ёшларни тарбиялаш, уларнинг ҳаётимизни ҳамма соҳасидаги фаол иштирокини таъминлаш керак. Бу мақсадни юзага чиқариш учун аввало комсомол ходимларининг ўзлари активлик кўрсатишлари зарур.

Бу билан ишни аввало комсомол ташкилотчиларининг ўзидан бошлаш керак демоқчиман. Етарли малака ва билимга эга бўлган комсомол ходимигина жойларда актив иш олиб бора олади. Ҳозирги кунда район комсомол комитети қошида кадрлар мактаби иш олиб бормоқда. Унда ҳар бир корхона комсомол ташкилотининг секретарлари ўқимоқдалар. Бошланғич комсомол ташкилотларининг секретарлари эса бир ойда бир марта олиб борилаётган ўқишга таклиф этилмоқдалар. Улар комсомол кадрлари ўқувидан олган назарий билимларини ўз фаолиятларига кенг тадбиқ этмоқдалар. Комсомол ишини қайта қуришга алоҳида куч-ғайрат сарфлашаяпти. Ишнинг муваффақияти фақат шу жиҳатдангина кўзга ташланиб қолаётгани йўқ. Кейинги вақтда районимиз территориясида комсомоллар ташаббуси билан тўртта ёшлар марказини ташкил этдик. Уларнинг бири Низомий номидаги педагогика институтидаги «Авангард» ёшлар марказидир. Студентлар ётоқхоналарида ёшларнинг бўш вақтларини ташкил этишда мазкур марказнинг роли катта бўлмоқда. Вақти-вақти билан қизиқарли кечалар ва учрашувлар ўтказиб борилаяпти. Бундан ташқари марказнинг ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ёзги таътилда саноат корхоналари ва ташкилотларига қарашли лагерларда ишлаш учун тарбиячи студентларни етказиб бориш юзасидан мазкур марказ буюртма қабул қилди. Ўртада шерикларнинг панд бериб қўймаслиги учун шартнома ҳам ишлаб чиқилди. Яқин кунларда «Ёш десантчи» марказини очишни ҳам режалаштириб қўйдик. Афғонистонда хизмат бурчини ўтаган интернационалчи-жангчилар янги марказнинг ташкилотчилари бўлишади. Уларнинг вазифаси асосан ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан чиниқишларига ёрдам беришдан иборат.

Д. САИДОВ.



Комсомол аъзоси Қулмахон Қолдарбеков Совет Армияси сафидан қайтгач, икки йилдан буён «Средазсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида бригада бошлиғи бўлиб ишлайди.

У меҳнат қилаётган участка узумчилик ва богдорчиликка мослашган, культиватор, машиналар, хўжалик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Қ. Қолдарбеков барча маҳсулотларнинг аъло техник ҳолатини таъминлашга муваффақ бўляпти.

М. Нуриддинов фотоси.

НОВАТОРЛАР БАҲСЛАШГАНДА

Инсон омили унутилгач...

Асосий маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳар бир корхонанинг ёрдамчи хўжалиги бўлади. Чунки улар ишлаб чиқаришни керакли асбоб-ускуналар билан таъминлаганликлари туфайли план-топшириқлар оширибгина бажарилади.

Кўпчилик корхоналар қатори Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам шундай хўжалик бор. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқарувчи агрегатлар учун резиналли тасма, капрон ва резинали деталлар, валик, темир қопламалар ишлаб чиқарилади. Таъмнот хўжалигида гальваник (маълум металл сиртини бошқа металл билан қоплаш), вальцовка (темир валлар устини резина билан қоплаш) ва тўқув участкалари мавжуд.

Кейинги вақтларда бу участкаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар корхона, фабрика ва цех раҳбарлари томонидан норозилик кайфиятини келтириб чиқарди.

Бунинг сабабини аҳтариб, жамоатчи мухбиримиз ёрдамчи хўжалик бўлими бошлиғи Г. Ф. Агишевага мурожаат қилди.

— Галина Фёдоровна, ўтган (III—IV) кварталларда гальваник участкангизда йигирув машиналари учун тайёрланган резина тасмалар учинчи йигирув фабрикаси томонидан олинмади! Бунн қандай изоҳлайсиз!

— Бу факт. Ҳақиқатан ҳам 3-йигирув фабрикаси тайёрлаб берган трестроп-ларимизни олишни рад этди. Чунки корхона таъминот бўлими Россия корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиб олмоқда. Ўзимизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилса-ю, четдан олсак...

— Нима учун корхона таъминот бўлими ўзида маҳсулот бўла туриб, яна четдан сотиб олаяпти!

— Бизга илгари ҳом ашё Омск, Ярославль шаҳарларидан олиб келинар эди. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқарардик. Мана бир неча йилдирки, улар ҳом ашё юбормай қўйишди. Ҳозир биз Бокудан корд (юқори мустаҳкамликка эга бўлган ип) оламиз. Уни сифатли деб бўлмайди. Ҳом ашёни сақлаш муддати бор-йўғи олти ой. Бу муддатдан ортиқ туриб қолса, ҳом ашё сифати бузилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот эса брак чиқади.

— Бракни тилга олдингиз. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларингизда ҳам брак анча-мунчани ташкил қиладн...

— Брак бугунги кунда энг муаммоли масалалардан бири. Биласиз, корхонадан бирор ёрдам ололмайсиз. Яхшиси, хўжалигимизда аҳвол қай даражада эканлиги билан ўзингиз танишинг. Ишчилар билан суҳбатлашинг.

Галина Фёдоровнанинг маслаҳати билан, участкаларга бориб ишчиларнинг ишлаш шароити билан таништик. Афсуски, бу ерда ишчиларга етарли шарт-шароит яратилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Темир валга резина қоплаш участкасидаги аҳволни таърифлашга ҳожат йўқ. Ичкарига кириб тўғриси, нафасимиз бўғилиб, кўзимиздан ёш чиққудай бўлди. Маълум бўлишича, корхона фабрикалари ва цехлари учун резина ичак (шланг) тайёрлайдиган қозон айни шу ерда жойлашган экан.

Бизни таажжубга солган жойи шундаки, ўша резина ичак ишлаб чиқарадиган қозон ёнида бир неча токарлик дастгоҳларини бошқараётган ишчилар ишлашади. Уларнинг кўпчилигини аёллар ташкил қиладн. Участкалар бир-бирига узвий боғланиб кетган. Башарти корхона фабрика ва цехларидан резина ичак кераклиги ҳақида буюртма тушса, иш расво. Ишчилар бу ҳиддан нима қилишларини ҳам билишмайди. Цех раҳбарлари буни билишади, лекин шу чоққача бирор тадбир кўришмади.

Зоя Кипчерова — вальцовка участкасидан:

— Иш жойимизни кўриб турибсиз: энг зарарли участкалардан бири. Мана шу қозонда резина ичак тайёрланади. Бунинг ҳидига зўрға дош берамиз. Буюртма келгудек бўлса, юрагимиз безиллайди. Уша қозонда резина ичак тайёрлаётган ишчига имтиёз бор. Нима учун менга йўқ? Ахир, мен ҳам шу ҳаводан нафас олаяпман-ку. У 45 ёшда пенсияга чиқади, мен шу қозон ёнидаги дастгоҳда ҳимоя воситасисиз ишлаб 55 ёшда пенсияга чиқар эканман. Буни қандай тушуниш мумкин?

Ранса Гомонова — гальваник участкаси бригадири:

— Ишлаб чиқараётган маҳсулотимиздан кўнглим тўлмаяпти. Шароит ёмон. Мана 20 йилдирки, томдан чакка ўтади. Неча бор бу ҳақда раҳбарларга айтганмиз. Ёш болани алдагандек ваъда беришади-ю, кейин унутиб юборишади. Баъзан ҳом ашё бўлмай 15—20 кунлаб бекор туриб қоламиз. Ким айбдор? Албатта раҳбарлар. Бизга маҳсулот тайёрлаш учун ҳом ашё Англрендан келтирилишини билишади. Бунинг учун албатта транспорт керак. Транспорт эса ажратилмайди. Буюртма асосида махсус тасмалар тайёрлаймиз. Лекин кўпи сифатсиз. Чунки Бокудан олаётган ҳом ашёлар сифатсиз. Цехимиздаги омборда тайёр маҳсулотлар тиқилиб ётибди.

Суҳбатимизни яна ёрдамчи таъминот хўжалиги бошлиғи Г. Ф. Агишева билан давом эттирдик.

— 1984 йили гальваник участкамизни ёпиб қўйишган эди. Чунки Ногинск шаҳри корхонаси билан тайёр маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартнома тузилган эди. Тасмаларни улардан сотиб олдик, лекин улар сифатсизлигидан узоғи билан бир-икки ойга чидайди. Кўп ҳолларда фабрикалардаги агрегатлар юқори зичликда ишлаётганда трестроплар узилиб, техникани ишдан чиқаради. Гальваник участкамизда ишлаган тажрибали ишчилар шаҳримизнинг бошқа корхоналарига кетиб қолишди. Бораверса шартнома бекор қилинди. 1986 йилда гальваника участкамиз яна иш бошлади. Кетиб қолган ишчиларимизни қайтариб келдик. Ҳозир участкада ойига 6000 дона шартли трестроп—тасма, 400 номдаги пластмасса ва капрон идишлар ишлаб чиқарилмоқда. Илгари цехимизга қарашли яна бир участка бор эди. Корхона фойдасини билмай диган «бюрократ» туфайли у ҳам ёпилди. Бу участкамизда шифер ишлаб чиқарилар эди. Босмахонада чиқитга чиққан қоғоз ва йигирув фабрикаларидан чиққан пахта чиқити шифер тайёрлашда ишлатилар эди. Ҳозир эса босмахонадан чиқитга чиққан қоғозлар ер билан битта бўлиб ётибди. Пахта чиқиндилари эса чет элларга арзимаган нархда сотилмоқда.

Унинг куйинганича бор экан. Ёрдамчи таъминот хўжалиги корхонанинг Механика заводига қарашли. Лекин завод раҳбарлари уч-тўрт ойда бу ерга бир ташриф қилишади. Ишчиларнинг айтишича, кейинги пайтларда на завод директори А. Н. Куприянов, на касаба союз комитети раиси Л. П. Харламова ишчиларнинг ишлаши, яшаш шароитларидан хабар олишган. Агар улар цехни айланиб ишчилар билан дардлашганларида, балки аҳвол ўзгарган бўлармиди?

Б. ОРИПОВ.



Тошкент каноп бирлашмасининг йигирув-тўқув ишлаб чиқаришда корхонанинг асосий операциялари амалга оширилади. Людмила Никифоровна Афанасьева шу фабриканинг пиликлаш машиналари операторн бўлиб меҳнат қиляпти. Унинг номини социалистик мусобақа пешқадамлари сафида тилга олишади. Илғор ишчи смена топшириқларини ортиғи билан адо этяпти. Людмила Никифоровна ярим фабрикатларнинг аъло сифатини таъминлашга эришяпти.

СУРАТДА: Л. Н. Афанасьева.

У. Усмонов фотоси.

Истеъмол буюмлари манзурми?

Тикувчиларнинг эҳтиёжлари

Дунёда шундай касблар бўладики, уларга фақат аёлларимизнинг моҳир қўлларию, нозик дидлари даркор. Уларнинг меҳнатлари маҳсули тўй ва шодиёналарда уйларимизни безайди, кўнглимиздаги қувонч туйғуларига ҳамоҳанг бўлиб, ранглар ва ипакларнинг сеҳрли оламига бошлайди... Уйга иш бериш — касаначилик фабрикаси чеварларининг бу борадаги ишлари таҳсинга лойиқдир. Эндиликда «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасига бирлаштирилган корхона маҳсулотларига талаб тобора ошиб боряпти. Маҳсулотнинг харидоргирлиги туфайли фабриканинг ишлаб чиқариш қуввати 3 миллион сўмдан 6 миллион сўмга кўтарилди. Ўтган 1988 йилда фабрика пландаги 600 минг сўм ўрнига 800 минг сўм иқтисодий фойда кўрди. Бу кўрсаткичлар асосан «Янгилик» индексли маҳсулотлар ҳамда шартнома асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига қўлга киритилди.

Бу йилдан бошлаб корхона тўла хўжалик ҳисобига ўтди. Баъзи цехлардаги ишчиларнинг қисқартиришга тўғри келди. Маъмурият уларни иш билан таъминлашга ҳаракат қиляпти. Лекин ечимини кутиб ётган муаммолар ҳам бор. Масалан, бу ерда бир пайтлар табиий духобадан дўппилар ишлаб чиқариларди. Шу йилдан бошлаб табиий духоба етказиб бериш негадир тўхтатиб қўйилди. Агар бу тикланганда нур устига аъло нур бўларди.

Маълумки, корхонанинг жуда кўп аёллари уйда иш қуввати орасида фарқ анча катта. Лекин план белгилашда бу ҳисобга олинмаяпти, маҳсулотларга нарх қўйишда эса корхона машиналарининг иши асос қилиб олиняпти. Ваҳоланки, уйдаги тикув машинасида ишчи аёл корхонадаги тикув машинага қараганда икки-уч-баравар кўп куч сарфлайди.

Бундан ташқари, аёлларнинг ишлаб чиқариш қувватн орасида фарқ анча катта. Лекин план белгилашда бу ҳисобга олинмаяпти, маҳсулотларга нарх қўйишда эса корхона машиналарининг иши асос қилиб олиняпти. Ваҳоланки, уйдаги тикув машинасида ишчи аёл корхонадаги тикув машинага қараганда икки-уч-баравар кўп куч сарфлайди.

Бундан ташқари, аёлларнинг жуда кўпчилиги билан суҳбатлашганимизда шу нарса аён бўлдики, улар пенсияга чиқишларига икки-уч йил қолгандагина цехга ишга олишларини сўраб, корхона маъмуриятига мурожаат қилар экан. Сабаби нимада, деб сўраганимизда уйда ишлаган аёлларга пенсия 75 сўм миқдорида белгиланар, цехда ишлаганларга эса 120 сўм миқдорида белгиланар экан. Ахир, бу касаначиликни ривожлантиришга муайян даражада салбий таъсир этмасмикан? Бу масала ҳам ўрганилиб, унга аниқлик киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Касаначи аёлларга уйма-уй юриб транспортда иш тарқатилади. Демак, бир кун уйга иш тарқатадиган машина бузилиб қолса, юзлаб аёллар иш кутиб қолишади. Амалда кўпинча шундай бўляпти ҳам. Уларга хизмат кўрсатадиган машина бирорта автокорхонага биркитиб қўйилса, эҳтиёт қисм йўқ, деб юзлаб касаначилар қўлини боғлаб қўймасди.

Ҳозир «Бодомча» дўппиларини туристлар севиб харид қилишади. Уни тикадиган автоматлар эса йўқ. Агар корхона шундай автоматларга эга бўлса, бу корхона учун ҳам, харидорлар учун ҳам катта наф келтирарди-ку. Хуллас, касаначиликка жиддий эътибор берилишини, улар ишлаб чиқараётган буюмлар эса аҳолига доимо манзур бўлишини истаймиз.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига қарашли илмий-техника ахборотн институтининг етакчи инженери.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

● НЬЮ-ЙОРК. БМТ ҳарбий хизматчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Намибияга мустақиллик бериш режаларини амалга ошира бошлаш учун тайёргарлик кўриш доирасида Жанубий Африкадаги шу мамлакатга кела бошлади. БМТ Бош секретари вакилининг хабар қилишича, ҳозир у ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 15 мамлакат вакилларидан иборат тахминан 500 нафар зангори каскали ҳарбий хизматчилари турибди. Булар орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўтиш даврида ёрдам кўрсатувчи ҳарбий қисмлари штабининг ходимлари, БМТ Намибияга юбораётган батальонларнинг учта илғор бўлинмалари, ҳарбий кузатувчилар бор. Биринчи апрелда Намибия территориясида умумий сони 4650 кишидан иборат ҳарбий қисмлар группасини жойлаштиришни асосан ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

● ЛОНДОН. Буюк Британия ҳарбий денгиз кучларининг атом сув ости кемалари яқин орада Лондон яқинидаги Темза дарёси сувлари остида сузиб юради, «Ассошиэйшн пресс» агентлигининг хабар қилишича, мудофаа министрлиги Англиядаги машҳур дарё соҳилларига яқин ерда жойлашган Тилбери порти маъмурларидан ядровий энергетик қурилмаси бўлган сув ости кемаларининг у ерга киришига ва тўхташига рухсат олиш ниятидадир. Бу хабар ҳарбий маҳкама вакилларининг Британия атом сув ости кемаларида ҳали бирор марта ҳам жиддий авария бўлмаган, деб ишонтиришларига қарамай, маҳаллий маъмурларда жиддий ташвиш туғдирди. Территориясида Тилбери порти бўлган ва ядросиз зона деб эълон қилинган Таррок округи раҳбарияти мудофаа министрлигининг ўз режаларини бир иложини қилиб амалга оширишга уринишини «зўравонлик сиёсати», деб баҳолади.

● МОНТЕВИДЕО. Бу ерда бошланган Монтевидео шаҳри 7-халқаро кинофестивалида жаҳондаги ўн саккиз мамлакатнинг 40 дан кўпроқ фильми киноганқидчилар ва томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади. Уругвай пойтахти мэрияси кўмагида ташкил этилган бу киноанжуманда кейинги йилларда ўз мамлакатларида юқори баҳо олган ва кинотанқидчилар томонидан яхши асар деб топилган бадиий ленталар намойиш қилинади.

● АФИНА. Греция пойтахтининг Прей шаҳридаги «Тинчлик ва дўстлик» стадионида ўтказилган биринчи халқаро «Тинчлик олимпиадаси» турли мамлакатлар артистлари иштирокидаги катта концерт билан якунланди. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир Греция миллий мустақиллик, ялпи тинчлик ва қуролсизланиш ҳаракати ташаббуси билан ва ЮНЕСКО васийлигида уюштирилди. Унда жаҳоннинг тахминан 70 мамлакатидаги урушга қарши ташкилотлар активистлари, шу жумладан, совет делегацияси қатнашди.

(ТАСС).

СУҚҚАБОШЛАР МАМЛАКАТИ

«Франция — сўққабошлар мамлакати» — оила ва сўққабош кишилар муаммолари бўйича тадқиқот ўтказган француз социологлари ана шундай хулосага келдилар. Олинган маълумотларча қараганда, 55 миллиондан знёд французлардан ҳозирги кунда 18,4 миллиондан знёд эркак ва аёл онла қурмай ёлғизликда яшамоқда. Жамоат фикрини билиш учун ўтказилган савол-жавоб натижаларига қараганда, жавоб қайтарганларнинг аксарияти — 71 проценти ёлғизликдан азобланаётганлигини маълум қилган.

АРГЕНТИНАЛИК «НЕССИ»

Науэлито — Берилоче курорт шаҳри аҳолисининг тасдиқлашича қараганда, яқин орада жойлашган Науэль-Уапи кўлида яшайдиган сирли мавжудотни аргентиналиклар ана шундай деб атамоқдалар. Душанба куни ўттиздан знёд турист: ғаройиб махлуқни кўл тевараги бўйлаб автобусдаги сайр пайтида ўз кўзимиз билан кўрдик, деб бир овоздан маълум қилганларидан сўнг ана шу мавжудот ҳақидаги хабарлар яна газеталарнинг саҳифаларида кўзга ташланиб қолди. Науэлито ҳақидаги дастлабки

Турфа оло

гап-сўзлар 1986 йил декабрида пайдо бўлиб, ўшанда корхонал бирининг хўжайини Г ермо Барси «узун бўй ли катта ҳайвонни» ратга олдим, деб ҳ қилган эди. Шундан бошқа гувоҳларнинг: ларининг қоровулл ва яқин атрофда ю лашган атом марказ димларининг гувоҳл ри пайдо бўлди. Ма лий аҳоли сўнгги йил ичида бир неч лиқчининг дом-дар йўқолганига ҳам ана номаълум мавжудот бабчи, деб ишонади.

«БЎСТОНИДА ЮЗ ГУЛ ЭРДИ...»



Алишер Навоий ижодиётининг ўзаги инсон, унинг бурчи, бахти ва интилишлари ташкил қилади. Шоир ўз лирикасида ана шу инсоннинг ҳис-туйғулари, гўзалликлари, фазилатлари, орзу-умидларини, тараннум этса, достонларидаги бетакрор образлар яратиб, уларнинг характерли фаолият-ларини жараёнида очиб беради. Шунда Навоий адабиётдаги маъ-лум анъаналарга риоя ҳам қилади, лекин ҳолларда эса бутунлай янгача талқин йўлидан боради. Айниқса шоирнинг достонларидаги аёллар образларига тўла асослиқли бўлиб, бу масалада ҳодкор нечоғлик изчил гуманистик позицияда турганлигини ҳисобга олсак, Навоий Ширин, Лайли, Дилором, Маҳинбону каби етакчи образлар, Меҳр, Луъбати Чиний, Нахрноз, Равшанак, Ахийнинг ҳажвси, Маллунинг қизи сингари иккинчи даражали, лекин ақлий анчайин фаол бўлган аёл персонажлар фаолиятлари ёхуд ҳаётий воқеаларни ривожида бажарган муайян роллари орқали ҳам катта, масъулиятли ва мураккаб проблемани — аёллар, инсон билан боғлиқ эзгу орзулар муаммосини илгари суради ва уларнинг ғоят илғор қарашларини ҳаёт-рост ифодалаб беради. Бу эса шоир ва буюк мутафаккирнинг энг муҳим ва барча даврлар учун долзарб тарихий хизматларидан бири эканлиги аёндир.

Айтиш керакки, Навоийнинг барча аёллар образи (Золи маконни истисно қилганда) том маъ-нодаги ижобий образлардир. Уларнинг баъзилари достонлардаги асосий ғояни рўёбга чиқарувчи, маконли образлар бўлиб, баъзи-лари эпизодик характердаги воқеаларнинг ривожида маълум нуқ-таёхуд туртки хизматини ўтайди. Аммо шоир уларнинг ҳар бирини ўзига мазмун ва жозибали ба-диятнинг ажиб бир омухталигида тасвирлайди, натижада ҳам ташқи томондан, ҳам ботинний афзалликларда ниҳоятда гўзал, вафодор ва садоқатли инсон, жасур ва саботли, тадбиркор ва иродали ҳамда бошқа ижобий фазилатларга эга бўлган ҳақиқий адабиётимиздан мангуликка дахлдор ўринни ишғол этадилар.

Алишер Навоий қаламига мансуб аёл қаҳрамонларнинг (улар ҳаммасининг лирик аспектда бўлсин, ҳоҳ эпик планда) бирламчи хусусияти — уларнинг бениҳоя гўзал ва ҳайратли эканлигидир. Зероки, бу фазилатнинг мадҳ этишда Навоий, энг аввало, уни аёллар қадр-қимматини тасдиқ этувчи омил деб билгани шундан. Ҳар жиҳатдан гўзалликка интилишни эркка, озодликка эзгуликка интилиш деб талқин қилади.

Навоий Ширин ёки Лайли, Дилором ёки Маҳинбону, Луъбати Чиний ёки Меҳрларнинг гўзаллиги ва таърифланган эга бўлган ҳункор аёл образлари кўп ҳолик адабиётимиздан мангуликка дахлдор ўрининг ишғол этадиган.

Алишер Навоий қаламига мансуб аёл қаҳрамонларнинг (улар ҳаммасининг лирик аспектда бўлсин, ҳоҳ эпик планда) бирламчи хусусияти — уларнинг бениҳоя гўзал ва ҳайратли эканлигидир. Зероки, бу фазилатнинг мадҳ этишда Навоий, энг аввало, уни аёллар қадр-қимматини тасдиқ этувчи омил деб билгани шундан. Ҳар жиҳатдан гўзалликка интилишни эркка, озодликка эзгуликка интилиш деб талқин қилади.

Навоий Ширин ёки Лайли, Дилором ёки Маҳинбону, Луъбати Чиний ёки Меҳрларнинг гўзаллиги ва таърифланган эга бўлган ҳункор аёл образлари кўп ҳолларда эса бутунлай янгача талқин йўлидан боради. Айниқса шоирнинг достонларидаги аёллар образларига тўла асослиқли бўлиб, бу масалада ҳодкор нечоғлик изчил гуманистик позицияда турганлигини ҳисобга олсак, Навоий Ширин, Лайли, Дилором, Маҳинбону каби етакчи образлар, Меҳр, Луъбати Чиний, Нахрноз, Равшанак, Ахийнинг ҳажвси, Маллунинг қизи сингари иккинчи даражали, лекин ақлий анчайин фаол бўлган аёл персонажлар фаолиятлари ёхуд ҳаётий воқеаларни ривожида бажарган муайян роллари орқали ҳам катта, масъулиятли ва мураккаб проблемани — аёллар, инсон билан боғлиқ эзгу орзулар муаммосини илгари суради ва уларнинг ғоят илғор қарашларини ҳаёт-рост ифодалаб беради. Бу эса шоир ва буюк мутафаккирнинг энг муҳим ва барча даврлар учун долзарб тарихий хизматларидан бири эканлиги аёндир.

Айтиш керакки, Навоийнинг барча аёллар образи (Золи маконни истисно қилганда) том маънодаги ижобий образлардир. Уларнинг баъзилари достонлардаги асосий ғояни рўёбга чиқарувчи, маконли образлар бўлиб, баъзилари эпизодик характердаги воқеаларнинг ривожида маълум нуқтаёхуд туртки хизматини ўтайди. Аммо шоир уларнинг ҳар бирини ўзига мазмун ва жозибали бадиятнинг ажиб бир омухталигида тасвирлайди, натижада ҳам ташқи томондан, ҳам ботинний афзалликларда ниҳоятда гўзал, вафодор ва садоқатли инсон, жасур ва саботли, тадбиркор ва иродали ҳамда бошқа ижобий фазилатларга

Ҳодиса


ЁСТИҚ АВРАСИДАГИ... КЎҚНОРИ

Тошкент билан Ашхобод ўртасида қатновчи 90-поезд проводниги Е. Оллоберганов гаройиб бир юк билан йўлга отланди. Республика пойтахтининг Жанубий вокзалидан поезд жўнаши олдидан ўн уч килограмм кўкнори солинган ёстиқ аврасини ўз хизмат купесига олиб ўтишга уринди. «Ўрта Осиё магистрали» газетасининг хабар беришича, унинг бу ҳаракати навбатчи милиционер И. Бабашевда шубҳа туғдирди.

Энди тонишнинг фойдаси йўқ эди. Ўрта Осиё транспорт милицияси ходимлари олиб борган дастлабки тергов чоғида аниқланишича, Фарғона областида яшовчи Эгамбердиев деган кимса Е. Оллобергановга катта ваъдалар қилган экан. Эгамбердиев афюн савдоси билан шуғулланиб келган. Проводник бу оғуни Ашхободга олиб бориши, уни сабрсизлик билан кутаётган чайқовчиларга топшириши керак эди.

Ўрта Осиё транспорт милицияси бошқармаси бўлимининг мудири В. Нечаевнинг хабар қилишича, ҳозир ана шу иш юзасидан тергов олиб борилмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг асосий вазифаси қора дори савдоси билан шуғулланувчи барча кишиларни фош этишдан иборатдир.

(ЎзТАГ мухбири).



Республикамиз пойтахтида халқаро шашка бўйича 35-СССР чемпионати мусобақалари ўтаяпти. Унда мамлакатимизнинг 18 нафар энг кучли шашкачилари иштирок этишяпти.

СУРАТДА: мусобақа пайтида.

Ф. Қурбонбоев фотоси, ЎзТАГ фотохроникаси.

Барчага маълумки, айни баҳор дамлари аксарият киши ўзини хорғин сезади, инсонга хос шаҳдамлик, журъатлик, ҳаракатчанлик кабн мижозй сустлашади. Буларнинг барчаси тиб атамаси билан айтганда гиповитаминоз ҳолати, яъни организм «бисотида» ҳаёт учун зарур ҳисобланадиган витаминларнинг етишмаслиги сабабли содир бўлади. Чунки инсон организми баҳорга келиб ҳаётбахш омиллар бўлмиш витаминларга нисбатан талабчан бўлиб қолади, буни халқимиз «илик узилди» деймшади. Ана шундай дамларда гўзал табиатимизнинг шифобахш эҳсонларидан тадбиркорлик билан фойдаланиш бир қатор хавфли хасталикларнинг келиб чиқишига хотима беради ва одамга куч-қувват бағишлайди.

Лимонўт

Эрта баҳорда қуёшнинг илиқ тафтидан мавж урган лимонўт тоғ этакларида, ўсимликлар орасида, сайҳон, лахтак ерларда, шунингдек маданий ҳолда ҳовли, боғчаларда ўсади. Лимонўтнинг мурғак барглардан териб олиб кўкатли чучвара, сомсаларга қўшиб ишлатилса, яхши дармондорн бўлади. Шарқ халқлари орасида лимонўт дармон бағишловчи, овқатни яхши хазмлатувчи, камқонликда ижобий таъсир кўрсатувчи сифатида фойдаланилади. Лимонўт енгил пешоб ҳайдовчи ҳамда ични латифлаштирувчи омил сифатида ҳам танилган. Буюк табиб Абу Али ибн Сино лимонўтни юрак ишини яхшилаш, иштаҳа уйғотувчи восита сифатида фойдаланган. А. П. Поповнинг берган маълумотларига қараганда, халқ табобатида лимонўт воситасида тайёрланган бир қатор доривор препаратлар (дамлама, настойка, гиёҳ мойи) бош гангришга даво, флаж ва ичқирзга енгиллик беради, ҳуш кетишида фикрлашни тиклайди, шайтонлаш ва қўёнчиққа ижобий таъсир кўрсатади.

Лимонўтнинг кимёвий таркибига назар ташлаб кўрайлик: ўсимлик ўтида эфир мойи, танин, витамин С, В1, флавонондлар, органик кислоталардан лимон, қаҳрабо кислотаси, минерал тузлар ва провитамин А. сақланади.

Лимонўтнинг янги барг ва новдаларн сабзалигича ёки қуритилган ҳолда таомларга, шарбат, сутли озиқаларга қўшиб истеъмол қилиниши ҳам мумкин.

Баҳор кунлари лимонўтнинг озгина илдиз тупидан экиб қўйсангиз тезда ривожланиб, дуваракаб кўпаяди ва ўзининг зийнат бағишловчи кўрки билан боғчангизни бир неча йиллар безайди.

Газанда

Ўлкамизда газанда (чаён-ўт, қичитқи) кенг тарқалган гиёҳлардан бири ҳисобланади. Мазкур ўсимлик табиий ҳолда ўлкамизнинг деярли барча областларидаги тоғли районларда, нам ва зах ерларда, ўтлар орасида, бутазорларда, йўл ёқаларида, сув бўйларида учрайди, уни маданий ҳолда ҳам кенг кўламда ўстириш мумкин. Айни баҳор дамлари газанданинг ёш барг ва барра навдаларидан салатлар, соуслар, пюре ҳамда суюқ таомлар тайёрлаб истеъмол қилиш мумкин. Грузия, Озарбайжон, Руминияда газанданинг ёш ўтини парҳез таомлар қаторига қўшадилар. Газанда сервитаминли неъмат сифатида жуда қадрланади. Жумладан, унинг таркибида инсон ҳаёти фаолияти учун жуда зарур бўлган каротин, витамин С, В, К лар, провитамин А, пантотен кислотаси, яна бир қатор шифобахш омиллар қаторн темир элементини сақлайди.

Маълумки, темир ўз навбатида инсон қони таркиб топишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Халқ табобатида ўсимлик барглардан тайёрланган дамлама қайнатма ёки ўсимлик кукуни безгак, нафас қисиши, бурун ва оғиздан қон келиши, кўкрак оғриғи, бавосилга енгиллик бериб, балғам кўчирувчи ҳамда пешоб ҳайдовчи омил сифатида ишлатиладн.

Ҳар ҳолда баҳор кезлари газанданинг мурғак ўтини бошқа турдаги хоснятли гиёҳлар (гулқоқи, жағ-жағ, яппиз, йўнғичқа, лимонўт, исмалоқ, қўзи-қулоқ, отқулоқ, швид, карфас, кашнич каби) билан мушгарақликда кўк сомса, чучвара тайёрлаб истеъмол қилинса, витаминларга нисбатан зорланиб турган организмга жуда пором келади.

Шовул

Баҳорнинг шифобахш неъматларидан бири шовул бўлиб, унн кўп йиллик ўсимлик сифатида табиий ҳолда учратишимиз мумкин. Уни кўпинча хонадонларда маданий ҳолда ўстирадилар. Шовулдан баҳор «эркатойи» сифатида атрофлича фойдаланиладн. Гиёҳнинг мурғакнкина барглари нордон, кўнгил очувчи, хуруш билан тамадди қилса бўладиган барглардан татимли шўрвалар, чучвара ва кўкатли сомсалар тайёрланадн. Ҳатто шовулнинг сабза барглари покланган ҳолда бевосита истеъмол қилиниши ҳам мумкин.

Шифобахш неъматлар

Баҳорда толиқсангиз...

Серҳисслатли шовулнинг кимёвий таркибига назар ташлайдиган бўлсак, унн «саломатлик хазнаси» эканлигини илғаб олишимиз мумкин. Шовулда витамин С, каротин, флавонондлар, гиперазид, рутин, шунингдек салмоқли миқдорда шовул кислотаси, оқсил, қанд, ва яна бир қатор фойдали омил ва микро-элементлар жо бўлган.. Эслатиб ўтадиган нарса шундан иборатки, шовулда 360 миллиграмм миқдорда шовул кислотаси ҳамда пурин моддаларн бўлганлигн туфайли, мазкур неъматдан сунистеъмол қилинмаслигн лозим. Чунки бундай моддалар инсон аъзоларида тош ҳосил қилиб, туз йиғишн мумкин.

Маннон НАБИЕВ, доришунос.

ТАШМАЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Тошкент шаҳар идорадан ташқари соқчилик хизмати ходимлари шу ойда СССР Олий Совети Президиумининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони талабларини бажара бориб, халқ хўжалиги объектларида текширишлар ўтказдилар. Унда майда ўғирлик содир этган қуйидаги шахслар қўлга тушди.

● 1 март куни Тошкент тўқимачилик комбинатн территориясидан чиқаверишда 15 сўмлик 10 метр 60 сантиметр газлама ўғирлаган шу комбинатнинг бичиқчиси, 1960 йилда туғилган С. А. Шарипов ушланди.

Халқ суднинг қарорн билан унга 25 сўм жарима солинди.

● 3 март куни 2-сут ишлаб чиқариш корхонаси территориясидан чиқаверишда 14 сўмлик 50 литр сутни ўғирламоқчи бўлган Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг экспедитори 1953 йилда туғилган Рустам Жўраевич Ортиқбоев ушланди.

Халқ суднинг қарорн билан Р. Ж. Ортиқбоевга 50 сўм жарима солинди.

● 4 март куни «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали дарвозаси олдида шу филиал тикувчи-мотористқалари 2 сўм 10 тийинлик 1 метр газлама ўғирлаган Комила Йўлдошевна Бегматова, 35 тийинлик 1 метр газлама ўғирлаган Феруза Носировна Юсупова ва 80 тийинлик фартук ўғирлаган Дилором Абдуваҳобовна Арслонова ушландилар.

Халқ судн қарорн билан К. И. Бегматовага 50 сўм, Ф. Н. Юсупова ва Д. А. Арслоновага 20 сўмдан жарима солинди.

● Шу куни Ж. Обидова номидаги Тошкент тамаки фабрикаси территориясидан чиқаверишда 7 сўмлик 10 пачка «Космос» сигаретини ўғирлаган фабрика сигарет цехининг машинисткаси 1955 йилда туғилган Моҳида Бекеновна Муродова ушландн.

М. Б. Муродованинг қилмишига доир материаллар чора кўриш учун унинг иш жойига юборилдн.

● 3 март куни Киров районидаги 555-болалар боғчаси территориясидан чиқаверишда 2 сўмлик сузма ва тухум ўғирлаган шу боғчанинг ошпази, 1955 йилда туғилган Наталья Николаевна Деревяшкина ва 1 сўм 12 тийинлик пишлоқ билан кўк нўхат ўғирлаган шу боғчаннинг ошхона хизматчиси 1949 йилда туғилган Розия Афлеотонова ушландилар.

Ҳар иккисининг қилмишига доир материаллар чора кўриш учун уларнинг иш жойига юборилдн.

З. НАЖМИТДИНОВ.

Реклама ва эълонлар

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ПРЕМЬЕРА

23 МАРТ (соат 19.00), 2, 9, 22, 30 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

ИСРОИЛ ТЎХТАЕВ.

«ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТАДИ»

2 қисмли саргузашт драма.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. РАВШАНОВ.

РАССОМ — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби У. САИДАЛИЕВ.

Музика танловчи — Т. ВОРМ.

Режиссёр ёрдамчиси — М. МАДАЗИМОВА.

БОШ РОЛДА — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати С. УМАРОВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Б. ҚОСИМОВ, М. ИСМОИЛОВ;

РОЛЛАРДА: Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреатлари: Т. АЗИЗОВ, Е. АҲМЕДОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: С. НОРБОЕВА, Я. АБДУЛЛАЕВА, И. БОЛТАЕВА, Э. МАЛИКБОЕВА, Т. ТОЖИЕВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Т. МЎМИНОВ, Г. ЗОКИРОВА;

артистлар: С. Юнусова, Ш. Сафоева, П. Носиров, Г. Иброхимбекова, Л. Қулабдуллаева, Ж. Зокиров, Ш. Исмонлова, М. Боботуллаева, М. Шожалилова, С. Знёмухамедов, Қ. Абдураҳимов, Б. Муҳаммадкаримов, Н. Маҳмудова.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЎРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

СПЕКТАКЛЬ АПРЕЛЬ ОЙИДАН БОШЛАБ 19.30 ДА БОШЛАНАДИ.

Касса соат 12.00 дан очиқ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

фрезерчилар, токарлар, штамповкачилар, кранчилар, гальваниклар, уриб чиқариб меъёрига етказувчилар, йиғувчи-парчинловчилар, электр пайвандчилар, қурилиш касбидаги ишчилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

тикувчи-мотористқалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИНИСТРЛИГИГА:

бош энергетик, атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича етакчи инженер, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича етакчи инженер, юридик бўлим бошлиғи, бош юрисконсульт-арбитр, статистика бўйича бош мутахассис, ҳисоб-китоб ва ҳисобот бўлимининг бош мутахассислари, катта ревизорлар.

МАЪЛУМОТЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МАРКАЗИ — Космонавтлар проспекти, 6-уй.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Фарҳод кўчаси, 21-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН БЎЛИМИ — К Маркс кўчаси, 59-уй.

КИРОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Энгельс кўчаси, 48-уй.

ЛЕНИН РАЙОН БЎЛИМИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН БЎЛИМИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН БЎЛИМИ — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН БЎЛИМИ — Шота Руставели кўчаси, 87-уй.

ҲАМЗА РАЙОН БЎЛИМИ — Ҳасанова кўчаси, 10-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН БЎЛИМИ — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.

Ёқадими? Кийиб кўринг!

ТОШКЕНТДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ПАЛЬТОЛАРИ ҲЕЧ КИМНИ ЛОҚАЙД ҚОЛДИРМАСЛИГИГ А ИШОНАМИЗ.



Улар сўнгги мода бўйича тикилган, газламаларининг ранги ҳам сизга манзур бўлади. «ЗАРЯ» фирмали магазинида кийим-кечакларнинг қуйидаги тажриба намуналари бор: ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ АСТАРСИЗ ПАЛЬТОЛАРИ (модель Ш — 1928) — олачипор драпдан тўғри бичилган, енги оригинал конструкцияда. Размери 44-48, ўртача нархи — 178—216 сўм;

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ КОСТЮМИ (ШФ —1066) — кулранг, тўқ қизил, жигарранг ва ҳаворанг драпдан тикилган. Размери 44-48, ўртача нархи — 140—149 сўм;

магазинда шунингдек, ҚИШКИ ВА БАҲОРГИ ПАЛЬТОЛАРНИНГ ҳар хил турлари бор.

Магазиннинг адреси: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 41 «а», метронинг «Ойбек» станцияси.

Иш вақти: соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача.

Дам олиш куни — якшанба.

«ЗАРЯ» ФИРМАЛИ МАГАЗИНИ.



«ТАШПЛОДООВОЩЧПРОМ» МАГАЗИНЛАРИ

Сут маҳсулотларидан бўшаган ва чет элникидан бошқа ҳамма

ШИША ИДИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Магазинларнинг адресларини маълум қиламиз:

ЛЕНИН РАЙОНИ

6-магазин — 3-Қўйлиқ массиви, 27-уй, телефон 90-03-85,

14-магазин — Космонавтлар проспекти, 29 «а», телефон 56-39-79,

9-магазин — Олтинкўл кўчаси, 115;

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

6-магазин — Чилонзор, 7-квартал, Ғ. Ғулом кўчаси, телефон 78-45-40,

17-магазин — Д—20 квартали, телефон 76-28-90,

21-магазин — Муқимий кўчаси, 29-поликлиника ёнида (метронинг «Ҳамза» станцияси);

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

7/7-магазин — Бешқайрағоч массиви, Уйғур кўчаси,

5/9 магазин — Галиев кўчаси, 16,

6/9-магазин — Решетков кўчаси, 46 , телефон 42-18-50.

10-магазин — Пахтакор кўчаси, 23, телефон 42-74-66;

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

5-магазин — Марказий бозор, телефон 56-14-14,

9-магазин — Ивановолик тўқувчилар массиви, телефон 53-84-92;

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

10-магазин — Қўйлиқ—«5Б» массиви, телефон 90-06-83;

ҲАМЗА РАЙОНИ

4-магазин— Алиев кўчаси, 1, телефон 96-07-61;

7-магазин — Куйбишев шоссеси, 13,

11-магазин — 2-М. Ашрафий тупиги, 92/2, телефон 91-02-12,

30-магазин — Ғалабанинг 40 йиллиги массиви.

МАГАЗИНЛАР ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИСИЗ СОАТ 8 ДАН 20 ГАЧА ИШЛАЙДИ, ТАНАФФУС СОАТ 14 ДАН 15 ГАЧА.

«ТАШПЛОДООВОЩЧПРОМ».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

1 АПРЕЛДАН 9 АПРЕЛГАЧА

«ЛИДЕР ХИТ-ПАРАДОВ»

«КУЗГИ МАРАФОН»» фестивалининг лауреатлари

МИРАЖ

группа солисти — НАТАЛЬЯ ГУЛЬКИНА.

«АНТРЭ» АУКЦИОНИ

МОДАЛАР ТЕАТРИ

УСТКИ КИЙИМЛАР ВА КЕЧКИ КЎЙЛАКЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ КЎРИГИ.

«МОДА-89» МОДЕЛЛАРИНИНГ КИМ ОШДИ СОДОСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Олдиндан билетлар сотиш кассаси очиқ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ ТУШИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар—44-35-91, 44-35-84, 28-04.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/III да Чипполино (премьера, 19.00), кичик экспериментал саҳнада Телефон. Одам овози (16.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/III да Куёв, 24/III да Тақдир эшиги.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/III да Кампир кетармиш, 23/III да Табассум оқшоми.

Кино

22 МАРТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «АТЛАНТИК-СИТИ. БИР МАРТА СЕВИЛАДИ» (20.00, катта зал), «ТАНИШИШ» (18.30, 20.45, кичик зал).

Чайка — «ҚОНУНДАГИ ЎҒРИЛАР» (17.45, 19.30, 21.15).

Ватан — «ЧИН МУҲАББАТ» (18, 20, 21.30).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «УЧ МУШКЕТЁР МИСОЛИ» (18.30, 21.00).

Восток — «ГИРТ ЁЛҒОНЧИ» (18.30, 21.00).

Москва — «КЕЙИНГИ КУН ЭРТАЛАБ» (17, 19, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚОЧОҚЛАР» (жуфт соатларда).

Нукус — «ТАНИШИШ» (18.30, 20.45).

Қозоғистон — «КЕЙИНГИ КУН ЭРТАЛАБ» (ҳар соатда).

К. Ёрматов номли —«КИНГ-КОНГ ТИРИК» (18.30, 21.00).

Лисунов номли — «ҚОЧОҚЛАР» (17, 19, 21.00).

23 МАРТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «АТЛАНТИК-СИТИ. БИР МАРТА СЕВИЛАДИ» (10.30, 13.30, 16.30, 20.00, катта зал), «ТАНИШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, кичик зал).

Чайка — «ҚОНУНДАГИ ЎҒРИЛАР» (10.45, 12.30, 14.15, 16, 17.45, 19.30, 21.15).

Ватан — «БЎРИЛАР» (жуфт соатларда, ўзбек тилида).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «УЧ МУШКЕТЁР МИСОЛИ» (11, 13.30, 16, 21.00).

Восток — «ГИРТ ЁЛҒОНЧИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Москва — «КЕЙИНГИ ЭРТАЛАБ» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚОЧОҚЛАР» (жуфт соатларда).

Нукус — «БЎРИЛАР, ОҒИР МУС ЁКИ ТАБАССУМ» (11, 13.15, 17, 19, 20.45, ўзбек тилида), «ТАНИШУВ» (11, 13, 16, 18.30, 20.45).

Қозоғистон — «КЕЙИНГИ КУН ЭРТАЛАБ» (ҳар соатда).

К. Ёрматов номли — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Лисунов номли — «ҚОЧОҚЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Фарғона область, Қўқон районидаги 1-ўрта мактаб томонидан Назиров Ғайрат Маждидович номига берилган 066677 номерли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент давлат медицина институти иккинчи клиникаси коллективи врач Ўринбосари Х. К. Бариддиновга отаси

Қутбиддин НАСРИДДИНОВнинг вафот этгандигини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Гулистон» журнали редакцияси таҳрир ҳайъати, партия ва касаба союз ташкилотлари журнал ходими М. Мўминовага отаси

Боқижон БЎРИЕВнинг вафот этгандигини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик енгил саноат институти ректорати, партия ва касаба союз комитетлари «Ўқитувчи» федраси катта ўқитувчиси

Зарифа МЕЛИЕВАнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, мархуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Реклама ва эълонлар

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; соцнал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32.54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар бюроси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Яншанбада ташқари, ҳар куни чиқади. Тиражи — 124 ғғғ

Р. 00214.

Ички саҳифаларга 18.00 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. —2071. Индекс 64690.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10